



Mas'uliyati Cheklangan Jamiyati shaklidagi “DAVR” auditorlik tashkiloti

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Жахон ихтисослашган аралаш
моллар савдо комплекси» АЖ
Рахбари Ш.Хамрохўжаевга

Буюртмачи манзили: Наманган шаҳар, Бобур шох кўчаси, Лола бекати.

Хисоб рақами: 20210000500783228001

“Халқ” банки Наманган вилоят филиали. СТИР: 201973983.

Аудиторлик ташкилоти: МСНЖ шаклидаги “DAVR” auditorlik tashkiloti.

Рўйхатдан ўтганлиги: ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1993 йил 05 ноябр.

Лицензия: ЎзР Молия вазирлиги томонидан 29 ноябр 2010 йил АФ № 00005.

Фаолияти: ЎзРнинг барча хўжалик юритувчи субъектларида аудиторлик текшируви
ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Х/Р: 20208000900208423001. ДАТ “АСАКА” Банки Наманган бўлими. МФО: 00231.

СТИР: 200050179. ИФУТ: 69.202 Тел: (0-369) 227-05-84.

Мен томонимдан, ЎзР. Адлия вазирлиги томонидан 1993 йил 05 ноябрда рўйхатдан ўтган.
ЎзР Молия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 ноябрда берилган “ЎзРнинг барча хўжалик юритувчи субъектларида аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи” АФ №00005 сонли лицензияга эга булган МСНЖ шаклидаги “DAVR” auditorlik tashkiloti аудитори Нурматов Авазбек Ахмаджанович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 09 июнда берилган №05483-сонли малака сертификатига ва «Жахон ихтисослашган аралаш моллар савдо комплекси» АЖ билан МСНЖ шаклидаги “DAVR” auditorlik tashkiloti ўтасида 2019 йил 04 январда тузилган 1/03 сонли шартномага мувофиқ хўжалик юритувчи субъект «Жахон ихтисослашган аралаш моллар савдо комплекси» АЖнинг бухгалтерияси томонидан тақдим этилган, жамиятнинг ташкилий ҳуқуқий асослари ҳақидаги ҳужжатлар, Айланма ҳисоботи (оборотка), асосий воситалар ва материал ҳисоботлар, дебитор-кредитор қарзлар ва иш ҳақи ҳисоботлари, ишонч қогози китоби, бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари ҳамда молиявий ҳисоботлари (1-шакл “Қорхона баланси”, 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлар) ҳамда солиқ ҳисоботларидан иборат 2018 йиллар 31 декабр ҳолатига тузилган ҳисоботларнинг ишонччилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Мен «Жаҳон ихтисослашган аралаш моллар савдо комплекси» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Мен аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизининг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослаш берали деб ҳисоблаймиз.


Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Жаҳон ихтисослашган аралаш моллар савдо комплекси» АЖнинг 2018 йиллар 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги "DAVR"

Аудиторлик ташкилоти

бош директор-аудитор:



А. Нурматов

« 15 » феврал 2019 йил